



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАРДА МУЛОҚОТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

- **Х.Н.Музаффарова,**
А.Қодирий номли ЖДПИ ўқитувчиси
- **О.Исматуллаев,**
Дефектология йўналиши 3-босқич талабаси

Ақли заиф болаларда нутқнинг бузилиши тизимли (системали) характерга эга. Уларда нутқий фаолият билан боғлиқ барча ҳаракатларнинг у ёки бу даражада шаклланмаганлиги намоён бўладики, булар мотивациянинг заифлиги, нутқий муносабатга бўлган талабнинг пасайиши, нутқ фаолиятининг программалаштиришнинг қўпол бузилиши, нутқий ҳаракатларнинг ички программаси нутқий программани қўлланиши нутқ устидан назорат олдиндан фаолият сабаб билан боғлаш кабилардир.

Ақли заиф болалар нутқий баён қилиш турли даражада бузилади (мазмунан, тил жиҳатидан, сенсомотор даражада). Энг ривожланмаганлари мураккаб даражалар (мазмун, тилга оид) ҳисобланади. Улар юқори даражада шаклланган таҳлил ҳаракатлари, синтез, умумлашмаликни талаб этади. Бундай болаларда нутқнинг сенсомотор даражаси турлича кечади. Юқори синфларга бориб кўпчилик ўқувчиларда нутқнинг фонетик нуқсонлари, мотор даражаларининг бузилишларининг йўқолиши рўй беради. Шу билан бир вақтда бу болаларда тил ва семантик даражаларнинг ривожланиши меъёрга (нормага) етмай қолади. Ақли заиф болаларда нутқнинг бузилиши турли кўринишларда бўлади ва уларни таҳлил этишда дифференциал ёндошишни талаб этилади. Симптоматика (касаллик белгиларининг йиғиндиси) ва нутқ бузилишининг механизми фақатгина мия системасининг умумий ривожланмай қолишидагина эмас, балки нутққа бевосита алоқадор бўлган системанинг локал патологияси томонидан белгиланади. Бу эса ақли заиф болаларда нутқ бузилишлари кўринишини янада мураккаблаштиради.

Ақли заиф болаларда нутқ бузилиши ўзининг узоқ вақт сақланиши билан характерланади ва ёрдамчи мактабларнинг юқори синфларгача бўлган давр оралиғида сақланиб, қийинчилик билан бартараф қилинади.

Биз ўрганаётган ва тадқиқ этаётган мавзу ўзининг узоқ тарихига эга бўлмаса-да, мазкур масаланинг методологик асослари, ушбу муаммога бағишланган экспериментал изланишлар ва шу тадқиқотларни амалга оширган муаллифлар номини тилга олмай, улар яратган назарий асосини ярата олмаймиз. Ақли заиф ўқувчиларнинг мулоқот хусусиятларини ўрганар эканмиз, диққатимизни мулоқот хусусиятларининг меъёрий ривожланиш тавсифига, мулоқотнинг меъёрида шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларига қаратишимиз мақсадга мувофиқ саналади.

Мулоқот муаммоси узоқ асрлар давомида нутқ, тил тушунчалари билан мазмун нуқтаи назардан биров чалкаштириб ўрганилган, секин-аста бу тушунчалар моҳияти илмий жиҳатдан ўрганилиб, нутқ мулоқот воситаси эканлиги ўрганилди.

Нутқни мулоқот воситаси сифатида ўрганган машҳур психолог Л.С.Виготский бу борада қуйидаги фикрларни билдиради: «Ҳар қандай фикр сўзда ифодаланибгина қолмай, балки такомиллашиб ҳам боради.»

Машҳур файласуф Публиций новербал мулоқот белгисини ифодаловчи қуйидаги фикрларни билдиради: «Овоз билан гапирамиз, тана билан суҳбатлашамиз».

Сўзнинг моҳияти ҳақида Саъдий: «Ақллимисан ёки аҳмоқ, каттамисан ёки кичик, буни бир сўз айтмагунича била олмаймиз», – деган эди.

Халқимизда шундай ибратли ибора бор: «Инсоннинг ақл-фаросати унинг нутқининг равонлигида намоён бўлади».

К.С.Станиславскийнинг «Муомала чоғида сиз, энг аввало, кишидаги қалбни, унинг ички дунёсини изланг», – деб айтган фикрларида мулоқотнинг перцептив томонининг моҳиятини акс эттирган.

50-йилларда машҳур рус психологи С.Л. Рубинштейн нутқ назариясини қайта кўриб чиқиб, нутқнинг комуникатив вазифасини алоҳида ўрганади [2].

Д.Б.Эльконин бола мулоқотининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиб, мулоқотнинг муҳим ҳаётий эҳтиёж эканлигини таъкидлайди.

Маълумки, нутқ мулоқотнинг комуникатив воситаси сифатида намоён бўлиб, баён этиш ва таъсир этиш воситаси ҳисобланади.

Ақли заиф болаларда нутқнинг ривожланишининг ўзига хос томонлари В.Петрова, М.Певзнер, И.Карлин, М.Стразулла, С.Борель-Мезони, Шпезингер, М.Зееман томонидан психологик аспектда ўрганилган. Ақли заиф болаларда нутқнинг бузилиши логопедия доирасида М.Хвацев, Р.Е.Левина, Г.А.Кани, Д.И. Орлова, М.А. Савченка, Е.Ф. Соботтович, Р.И. Лалаева, К.К. Карлин томонидан ўрганилган. Бу тадқиқотлар натижасига кўра ёрдамчи мактабнинг бошланғич синфларида аниқ нутқий нуқсонлар 40-60 % болаларда кузатилган экан.

Ақли заиф болаларда нутқ бузилиши ва уларни меъёрга келтириш хусусияти олий нерв (асаб) фаолияти ҳамда психик ривожланишнинг ўзига хос томонлари билан белгиланади. Ақли заиф болаларда билиш фаолиятининг олий шакллари яхши ривожланмаганлиги фикрлашнинг юзакилиги, нутқни секин ривожланиши ва сифат жиҳатидан ўзига хослиги, хатти-ҳаракатини сўз орқали назорат қилишни издан чиқиши ҳиссий-иродавий сохани тўлақонли эмаслиги кузатилади..

Ақли заиф болалар учун нутқнинг кеч ривожланиши характерлидир. Кучли ортада қолиш нутққача бўлган даврдаёқ кузатилади. Агар гўдакларда чуғурлаш 4 ойлигидан 8 ойлигигача меъёрида пайдо бўлса, ақли заиф болаларда эса бу ҳолат 12-24 ойликкача бўлган даврда намоён бўлади.

Кассел, Шпезингер, Зееманлар фикрича, ақли заиф болаларда биринчи сўзлар 3 ёшдан пайдо бўлади. И.В.Карлин ва М.Стразулланинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бундай болаларда биринчи сўзлар 2,5 ёшдан 5 ёшгача бўлган даврда пайдо бўлар экан. С.Л.Рубинштейннинг фикрича, ақли заиф болаларда нутқ ривожланмаслигининг сабаби «мия пўстлоғи фаолиятининг заифлиги, барча анализаторларда янги дифференциал алоқаларнинг секинлик билан ишлаб чиқилишидадир» [1].

Маълумки, ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар мулоқоти бош миядаги органик жароҳат, билиш жараёнларидаги ривожланишнинг сезиларли даражада орқада қолиши, ҳиссий-ирода соҳасидаги ўзига хос ўзгаришлар ва энг асосийси, нутқнинг меъёрий ривожланмаганлиги натижасида чекланиб қолади, бу эса улардаги иккиламчи нуқсонларнинг янада чуқурлашиб боришига олиб келиб, уларнинг ижтимоийлашув жараёнига ҳамда шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар

1. Мастюкова Е.М. Ребенок с отклонениями в развитии: ранняя диагностика и коррекции. – М.: Просвещение, 1992. 95 б.
2. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Владос, 2001.

МАХСУС ТАЪЛИМДА КОРРЕКЦИОН-ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

- **Х.Музаффарова,**
Дефектология кафедраси катта ўқитувчиси
- **М.Норматова,**
Дефектология йўналиши магистранти

Узлуксиз таълим тизими олдидаги мазкур вазифаларни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига, самарадорлик эса ўз навбатида таълим олувчилар ва берувчиларнинг фаолиятини ташкил этилиши ва фаоллаштирилишига боғлиқдир.